

Рўзадор деб кимни айтилади?

17:29 / 05.06.2017 3896

Рўзадор деб кимни айтилади?

- Рўзадор, тана аъзоларини гуноҳдан тийган киши.
- Тилини ёлғон, фаҳш ва сохта нарсалардан сақлаган киши.
- Қорнини овқат ва ичимликлардан, фаржи (жинсий аъзоси)ни жинсий қовушишдан сақлаган киши.
- Агар гапирса, рўзасига жароҳат етказадиган сўзни сўзламайди.
- Агар бирор ишни бажарса, рўзасини бузадиган ишни бажармайди.
- Сўзларининг барчаси манфаатли ва яроқли бўлади.
- Шунингдек, бажарган барча ишидан шундай бир ҳид таралсинки, суҳбатдоши унинг ҳидидан баҳраманд бўлсин.
- Рўзадор билан ким бирга ўтирса, унинг суҳбатидан манфаат олсин.
- Ўтирган киши сохта, ёлғон, бузуқлик ва зулмдан омонда бўлсин.
- Мана шу фақат овқат ва ичимликни ўзидангина тийилинмаган ҳақиқий рўзадир.
- Рўза аъзоларни гуноҳдан тийилишидир.
- Қорин овқат ва ичимликдан тийилишидир.
- Овқат ва ичимлик рўзани очиб, бузгани каби гуноҳлар ҳам унинг савобидан маҳрум қилиб, мевасини айнитади. Оқибатда рўза тутмаганлар қаторига қўшиб қўяди.